

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

152 Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида мавзелар бўйича замонавий кўп қаватли уйлар қуриш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 йилда Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида замонавий шинам турар жой фонди ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2265-сон қарорининг ижросини таъминлаш, шунингдек Тошкент шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, унинг эски шаҳар қисмида шаҳарсозлик талаблари асосида замонавий уй-жойлар қуриш ҳамда ҳудуднинг меъморий қиёфасини ва ижтимоий-маданий ҳолатини тубдан яхшилаш ва аҳоли яшаши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 мартдаги Ф-3806-сон фармойиши билан тасдиқланган Республика комиссиясининг Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Нурафшон кўчасида 10 та кўп қаватли уй (кейинги ўринларда «объектлар» деб юритилади) қурилиши қисман давлатга тегишли кўчмас мулк ҳамда қурилиши тугалланмаган ушбу қуриладиган объектлар гаров сифатида қўйилган ҳолда иловага мувофиқ тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига молиялаштирилиши тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ушбу қарорга иловага мувофиқ тижорат банкларига объектлар қурилиши учун қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган бош пудрат ташкилотларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда объект қийматининг 90 фоизигача кредит маблағлари ажратиш тавсия этилсин.

Бунда, тақдим этиладиган кредитлар мазкур объектларни барпо этиш муддатига ажратилиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан янги қуриладиган уйларнинг хонадонларига кўчиб кирадиган оилаларнинг аниқ шаклланган рўйхати, шунингдек барча зарур ҳужжатлар банкларга киритилгандан кейин узоқ муддатли ипотека кредитларига қайта расмийлаштирилиши инobatга олинсин.

3. Бош лойиҳа ташкилоти — «ТошуйжойЛИТИ» АЖ икки ҳафта муддатда объект атрофи ободонлаштирилиши ва болалар спорт майдончалари барпо этилишини назарда тутган ҳолда унинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилишини яқунласин ва давлат экспертизаси хулосаларини олиш учун буюртмачига топширсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Қурилиш ва инвестиция дастурлари департаментига барпо этилаётган уйларнинг буюртмачиси сифатида, шу жумладан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилишини, объект қурилишининг техник назорати олиб борилишини, бажарилган ишлар далолатномалари имзоланишини ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш жадвалига риоя этилишини назорат қилиш юқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

гаров сифатида фойдаланиладиган давлат мулки объектлари аниқланишини ва балансда сақловчининг юқори турувчи ташкилотлари билан келишилишини ҳамда уларнинг баҳоланишини;

аниқланган кўчмас мулк объектларидан тижорат банклари томонидан қўп қаватли уйлар қурилишини молиялаштириш учун ажратилаётган кредитлар бўйича гаров сифатида белгиланган тартибда фойдаланишини таъминласин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги объектларнинг ичимлик ва оқова сув тармоқларини лойиҳалаштиришни ва қурилиш-монтаж ишлари бажарилишини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан таъминласин.

7. Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Нурафшон, Беруний, Зарқайнар, Сағбон, Сақичмон кўчалари ва Себзор массиви чегараларида яқка тартибда янги уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш тақиқлансин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли давлат органлари билан биргаликда: кўрсатиб ўтилган ҳудудларда янги уй-жойлар, бошқа иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш устидан қатъий назорат ўрнатсин;

ушбу банд талабларини бузган айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда улар томонидан ўзбошимчалик билан қурилган объектлар бузиб ташланиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш тақиқланган ҳудудларда ноқонуний қурилиш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини олиб борган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритсин.

9. «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз» АК, «Ўзбектелеком» АК объектларнинг ташқи муҳандислик тармоқлари (электр, газ, телефон, ва бошқалар) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қурилишини ўз маблағлари ҳисобига таъминласинлар.

10. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар

ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда кейинги босқичларда қуриладиган объектларни молиялаштириш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АК объектлар қурилиши учун цемент, металл прокати ва қурилиш ойнаси материаллари лойиҳа ташкилоти ва буюртмачилар томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китоблар бўйича бош пудрат ташкилотларига тартибга солинадиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида ажратилишини таъминласинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 27 март,
71-сон

Вазирлар Махкамасининг
2015 йил 27 мартдаги 71-сон қарорига
ИЛОВА

152-Молда

**Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида 2015 йилда қурилиши
режалаштирилган 10 та кўп қаватли уй бўйича тақсимот
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Қурилиши режалаштирилаётган уй-жойлар манзили	Турар жой биноси кўрсаткичлари	Бош пудратчи ташкилотлар	Молиялаштирувчи тижорат банклари
1.	Форобий ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Форобий кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 3 подъездли, 30 та квартиралари	«Юксак парвоз қурилиш» МЧЖ	Асака банки
2.	Форобий ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Форобий кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 3 подъездли, 30 та квартиралари	«Бинокор» МЧЖ	Ипотека банк АТИБ
3.	Форобий ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Нурафшон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 3 подъездли, 30 та квартиралари	«Poytaxtqurilish» МЧЖ	Ипак йўли АИТБ
4.	Форобий ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Нурафшон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 1 подъездли, 20 та квартиралари	«Уй-жой қурилиш» МЧЖ	«Ўзмиллийбанк»
5.	Сағбон ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Нурафшон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 1 подъездли, 20 та квартиралари	«MDF FORMATION» МЧЖ	«Ўзмиллийбанк»
6.	Сағбон ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Сағбон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 1 подъездли, 20 та квартиралари	«MDF FORMATION» МЧЖ	«Ўзмиллийбанк»
7.	Сағбон ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Нурафшон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 3 подъездли, 30 та квартиралари	«BITI production» МЧЖ	Асака банк
8.	Сағбон ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Нурафшон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 1 подъездли, 20 та квартиралари	«Кўркам қурилиш» МЧЖ	Асака банк
9.	Қорасарой ва Нурафшон кўчалари кесишувида (Нурафшон кўчаси бўйлаб)	5 қаватли, 3 подъездли, 30 та квартиралари	«Ankur» МЧЖ	«Ўзмиллийбанк»
10.	Нурафшон кўчасида (1-қаватида хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилади)	5 қаватли, 3 подъездли, 24 та квартиралари	«Dizayn-Taraqiyot» ХК	«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ
	ЖАМИ:	10 уй — 254 та квартира		

— 6 —

13 (669)-сон